Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 129 (6. 020) • 1986 йил 5 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



# КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР



Экскаватор ремонти тажриба механика заводи коллективи Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги буюртмаларини муддатидан олдин юксак сифат билан бажаришда сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ерда мелиорация-ирригация қувурларини жойлаш-кўмиш учун мўлжалланган труба ётқизадиган машиналар юқори сифатда тайёрланмоқда. Ушбу машиналар республика саҳроларини сув билан таъминлаш ишларида қўл келмоқда.

СУРАТДА: янги машина.

М. Нуриддинов фотоси.

## Ютуқлар омили

Бу бригадада ҳаммаси бўлиб ўн киши ишлайди. «Главташкентстрой»нинг 12-трести 52-қурилиш бошқармаси коллективлари орасида пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келаётган бригада аъзолари ой сайин самарали ютуқларни қўлга киритишмоқда.

— Ўзаро социалистик мусобақа ютуқларимиз омили бўлмоқда, — дейди бригаданинг илғор қурувчиси Р. Сейтмематов.

Чиндан ҳам коллектив ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Ҳар бир қурувчи ўзаро мусобақадош. Улар орасида шартномалар тузилган. Унинг шартларига кўра ҳар ўн кунликда қилинган ишга якун ясалади. Илғорлар номи «қизил доска»дан ўрин олади.

— Яқинда май ойи мусобақасига якун ясадик. Унда пардозчиларимиздан В. Юсупов, Д. Муҳаммадшайхов, Х. Каримовлар ғолиб деб топилди, — деди бригада бошлиғи Э. Сейтжалилов, — Улар ой давомида бир сменада 1,5 нормадан иш бажаришга муваффақ бўлишди. Бу бошқармада, ҳатто трестда ҳам энг катта кўрсаткич ҳисобланади.

Шу кунларда бригада аъзолари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти учун қурилаётган янги корпусдаги пардозлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Коллектив бу объектда икки ой давомида ишлади. Белгиланган план-топшириқ муддатидан ўн кун илгари бажарилди. Ҳозир пардозчилар бригадасининг бир қисми ВППИ биноси қурилишида иш бошлаб юборишди. Бригада аъзолари янги участкада ҳам «Графикдан бир ҳафта ўзиб ишлаймиз» шиори остида меҳнат қилмоқдалар.

## Пешқадамлар

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVII съезди қарорларида кун тартибига қўйилган вазифаларни ҳаётга жорий қилиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашда 17-цехнинг Валерий Задиран етакчилик қилаётган бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Унинг составига Н. Варфоломеев, С. Белемаев, Н. Постовит, В. Синицов, А. Акчурин сингари тажрибали слесарь ва силлиқловчилар уюшган. Уларнинг ҳар бири беш-олти хил операцияни бажариш маҳоратига эга.

Бригада масъулиятли вазифани бажаради. Маҳсулотнинг сифати бутун коллектив фаолияти сифатини белгилашга таъсир қилади. Шу боисдан ҳам коллектив вазифани тез ва соз бажаришни одат қилиб олган. Бригада аъзолари деталларни силлиқлаш, қирқиш, зарблаш ва йиғишда ёрдам берадиган рақамли бошқариш дастгоҳларидан унумли фойдаланишяпти. Буларнинг ҳаммаси муваффақиятларни бойитишга ёрдам беряпти.

## Идеология ишлари хроникаси

### Ҳаёт билан боғлаб

«Ташсельмаш» заводи партия маорифи кабинетининг мудири Н. Кузьмин навбатдаги машғулотларни таҳлил этиб, олинган билимларни ҳаётга қандай тадбиқ этиш ҳақида ўйлади: бу ерда партия маорифи шохобчаларида 17 мактаб иш олиб боряпти. Уларда КПСС XXVII съезди материаллари кенг ўрганилди. Съезд қарорларига мувофиқ ишда тез бурилиш ясашга интилиш, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида бурилиш ясаш, мавжуд техникадан самарали фойдаланиш, энг асосийси ишлаб чиқаришнинг юксак натижаларига эришиш ҳақида жиддий гап борди

1985—1986 ўқув йили ниҳоясига етяпти. Якунловчи машғулотларда қилинган ишларга холисона баҳо бериш, йўл қўйилган нуқсонларга барҳам бериш йўлларини излаш, энг муҳими тингловчиларнинг машғулотларда олган бой билимларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этишларига кўмаклашиш корхона партия комитети, партия маорифи кабинетининг энг муҳим бурчидир. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш бўлимининг катта инженери Владимир Василенко, 33-цех мастери Михаил Егоров, бош технолог бўлими бюросининг бошлиғи Убайдулла Иброҳимов ва бошқа пропагандистлар билимларнинг қоғозда қолиб кетмаслиги, балки тингловчиларнинг ишлаб чиқаришда уни муваффақиятли қўллашлари учун жон куйдирмоқдалар.

### Юксак талаблар руҳида

Партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида ниҳоясига етаётган ўқув йили машғулотлари КПСС XXVII съезди қарорлари ва ғоялари руҳи билан суғорилди. Кўп сонли пропагандистлар, идеология активистлари ўз ишларини съезд талаблари асосида холисона таҳлил этдилар, ўзларига ва тингловчиларга талабчанликни оширмоқдалар.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтаётган кўпгина машғулотларда буни яққол ҳис этиш мумкин. Янги билимлар ва съезд қарорлари асосида хўжаликни моҳирона юритиш, янги резервларни излаб топиш ҳар бир пропагандист ва тингловчи учун муҳим вазифага айланган. Съездда қабул қилинган қарорларни изчил амалга ошириш ҳар бир пропагандист ва тингловчи зиммасига катта масъулият юклайди. В. Вьядро, Ю. Гильдин каби пропагандистлар тингловчиларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига илҳом бахш этишга интилмоқдалар. Улар ҳар бир қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни кенг ёйишга ҳаракат қилишяпти.

### Сўз ва иш бирлиги

«Узбексельмаш»ликлар ҳақида гапиришганда: «Ҳа, уларнинг доимо сўзи билан иши бир бўлади», дейишади. Бу бежиз эмас. Коммунистлар етакчилигида бирлашма машинасозлари съезд қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Бунинг учун коммунистлар коллективнинг ўзида қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш ва назорат қилишни кучайтиришга, ғоявий-сиёсий тарбиянинг барча формаларини бугунги куннинг асосий вазифаси — жадаллаштириш программасини амалга ошириш билан узвий боғлашга интилмоқдалар. 80 га яқин пропагандист бу борада жонбозлик кўрсатяпти. 25 сиёсий докладчи, юздан зиёд агитатор олиб борилаётган бутун ишлар моҳияти биргина нарса— сўз ва иш бирлигини таъминлашдан иборат эканлигини ҳар бир ишчи-хизматчи, инженер-техник онги ва қалбига сингдирмоқда. Бу ерда ижодий меҳнат, ташаббус ва масъулият, ўзига ҳамда ҳамкасбларига талабчанлик вазияти яратилмоқда. Ҳар бир коммунист ва меҳнатчи съезд йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун курашмоқда. Станислав Ерохин, Александр Давидов ва бошқа коммунистлар партия ташкилоти олиб бораётган катта ва масъулиятли ишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

## Техника шарофати

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари харидорларга тобора манзур бўлмоқда. Бунинг боиси, тайёрланаётган буюмларнинг замонавий, хушбичим ва сифатлилигидир. Корхона ишчи ва хизматчилари давр талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни механизациялаш, мавжуд техника ва технологиядан самарали фойдаланиш йўлидан боришмоқда.

Кейинги пайтда корхонадаги мавжуд иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан қандай фойдаланилаётганлиги бир неча марта ўрганилиб, ишнинг самарали усуллари танланди. Бу корхонада тайёрланаётган буюмларнинг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашга ёрдам берди. Мавжуд ишчи кучлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан мумкин қадар самарали фойдаланиш таркиб топди.

Яқинда корхонада қувончли воқеа юз берди. Бирлашмага республика Енгил саноат министрлиги ва тармоқ касаба союзлари республика комитетининг мукофоти топширилди. Бунга коллектив янги техника ва технологиядан самарали фойдаланаётганлиги, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан омилкорлик билан фойдаланилаётганлиги туфайли муяссар бўлди.

## Коммунистлар ибрати

Тошкент электротехника заводи коллективи механика-ремонт цехини корхонанинг юраги, деб бежиз атамайди. Чунки бу ерда асосий ишлар бажарилади, керакли асбоб-ускуналар ремонтдан чиқарилади.

Цех коллективи ўртасида бошланган намунали хизмат кўрсатиш учун мусобақасида кўпгина бригадалар яхши натижаларни қўлга киритишмоқда. Уларнинг меҳнатлари туфайли ускуналар капитал ремонти бўйича беш ойлик план графикдан ўзган ҳолда бажарилди. Шунингдек, бу даврда меҳнат унумдорлиги 4 процентга ошди.

Мусобақада В. Никонов бошчилик қилаётган пайвандлаш участкаси ишчилари ғолиблик қилишмоқда. Участка коммунистларидан П. Скрипкин, А. Терешенко ва бошқалар ибрат кўрсатиб ишлашмоқда.



Шаҳримиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган бу суратда Ўзбекистон табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари учун Сергели районида бунёд этилган 240 ўринли ётоқхона биносини кўриб турибсиз.

## Замондошимиз



Унинг исми Шоҳида. Фамилияси Султонова. 14 ёшидан комсомол аъзоси. 1976 йилда шаҳардаги 201-ўрта мактабни тугатиб, электр рўзғор буюмлари заводига ишга келган. Олдин шогирд. Кейин мустақил ишчи. Ҳозирда эса энг илғорлар сафидан ўрин олган. Коммунистик меҳнат зарбдори, деган шарафли номга эга. Шоҳиданинг қисқача таржимаи ҳоли мана шулардан иборат.

Энди унинг ташаббускорлиги ҳақида. Корхонада кўплаб ёшлар меҳнат қилишарди. Бироқ, улар тарқоқ бўлиб турли бригадаларга бўлиниб кетишган. Шунинг учун ҳам ёшларнинг меҳнат фаолияти корхонада яхши сезилмасди. Улар меҳнатини умумлаштириш. ёшлардан алоҳида бригада тузиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди. Давр зудлик билан бу ишга киришиш лозимлигини тақозо этарди. Агар шундай қилинмаса, ёшларнинг ташаббускорлиги ва меҳнати ҳеч қачон ярқ этиб кўзга ташланмас эди. Шоҳида шундай фикрни дилига тугиб қўйди. Эртасига уни дугоналарига, сўнгра мураббий-ишчиларга, улар розилигини олгач, бу таклифни эса корхона раҳбарларига айтди.

Ҳамма унинг фикрига қўшилди. Кўп ўтмай корхонада 45 кишидан иборат бўлган комсомол-ёшлар бригадаси тузилди. Унга илғор ишчи К. Қосимова раҳбар этиб тайинланди. Бригада аъзолари ишни ташкил этишда бироз қийналишди. Уларга мураббийлар ёрдам беришди. Орадан йил ўтмай бригада ўз йўлини, йўналишини топиб олди.

Коллектив интизомсизларга, ишёқмасларга қарши ўт очди. «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган принципга риоя қилди. Борди-ю бирон ишчи узрли сабаб билан ишга келмай қолса, унинг ўрни билинмайдиган бўлди. План ҳамиша юз процент ва ундан орттириб адо этилди.

Ҳозир Шоҳида ишлаётган комсомол-ёшлар коллективи корхонада энг илғор ўринлардан бирини эгаллааб келмоқда.

— Ҳалол меҳнатдан келган бахт ҳамиша қадрли бўлади. Мен ва менинг дугоналарим учун бундан ўзга бахт йўқ,— дейди Шоҳида.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Шоҳида Султонова.

Т. Каримов фотолари.

## Журналистларнинг муҳим вазифалари

АПНнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги ўз мухбирлари регионал кенгашида КПСС XXVII съезди талаблари асосида ижодий ишларни такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди. Кенгаш 4 июнь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Партиянинг жадаллаштириш йўлини, КПСС билан Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатини пропаганда қилиш, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатини акс эттириш соҳасида журналистлар олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда «Новости» матбуот агентлиги правлениеси раисининг ўринбосари Г. А. Федяшин нутқ сўзлади.

## ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкентдан Тожикистон ва Туркманистон пойтахтларига тез юрар поездлар қатнай бошлаади. Энди Душанбе шаҳрига аввалгидан беш соат олдин етиб бориш, Ашхободга борганда эса деярли ярим кун тежаб қолиш мумкин.

Темир йўлнинг ҳамма хизматлари ёзги пассажир ташишга тайёргарлик кўрди. Ҳаракат рўйхати қайта қараб чиқилди. Темирйўлчилар тобора кўпайиб бораётган поездлар оқимига кенг йўл очиб бериш учун кетма-кет қатнайдиган составларни бирлаштира бошладилар. Натижада уларнинг тезлиги ошди, йўлларни ремонт қилиш учун вақт ҳам топилди, хизмат қилувчи бригадалар сони камайди.

(ЎзТАГ мухбири).

## Қардошлик қонунига биноан

### Дўстлик масофа билмайди

«Уздорресторан» тресті коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили тўрт ойлик планини 104 процент қилиб адо этди. Шу йилнинг биринчи квартали бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон ССР савдо министрлиги ва Давлат савдоси ва матлубот жамияти ходимлари касаба союзлари республика комитетининг 12 минг 600 сўм пул мукофоти ва дипломини олишга сазовор бўлди.

Трестда 5 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. «Дўст дўст бошига кулфат тушганда синалади» деганларидек, бугун чернобилликлар бошига мусибат тушган экан, биз уларга ҳамдардлик билдириб, 904-счётга 10 минг сўм пул ўтказамиз, — дейишди митингга йиғилган ишчи ва хизматчилар.

### Муқаддас бурч

«Тинчлик учун овоз бераман!» шиори остида Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти филология факультети студентларининг катта митинги бўлиб ўтди.

Митингни факультет декани Қ. Қосанбоев очди. Йиғилишда сўзга чиққан факультет партия комитети секретари М. Аҳмадбоева, умумий тилшунослик кафедрасининг ўқитувчиси Р. Абдулаҳатова тинчликни сақлаш юзасидан студент-ёшларнинг бурчи, ер юзида ва космосда ядро синовлари ўтказишини тақиқлашга даъват этувчи фикрларни изҳор қилдилар.

II курс группа комсорги Г. Эргашева шундай дейди:

— Тинчлик— муқаддас. Бир тўда қора ниятли кочвалонлар таҳдиди остида қолган тинчликни асраш ҳар бир йигит ва қизнинг олий виждон бурчидир. Биз — совет ёшлари бу муқаддас бурчимизни чин юракдан ҳис қилиб, унга абадий содиқ бўлиб қоламиз. Никарагуа, Ливан фожиалари, яқиндагина Ливия халқига қилинган босқинчиликлар барча тинчликсевар халқларнинг қалбини ларзага келтирди. Биз дунёда яна Хиросима ва Нагасаки фожиаси такрорланишини истамаймиз!

Митинг сўнггида студент-ёшлар ташаббуси билан тўпланган моддий маблағларни Чернобилга ёрдам фондига юборишга қарор қилдилар.

А. ОДИНАЕВ.



Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш биринчи навбатдаги вазифадир.

КИЕВ. СУРАТДА: Остер станцияси метеорологлари М. А. Трубенок (биринчи планда) ва Е. М. Трубенок навбатдаги радиация даражасини ўлчашмоқда.

А. Малаховский фотоси. ТАСС фотохроникаси.

## ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ ХЕЛЬСИНКИ. Шу кунларда Исроил Ливанга қарши агрессия бошлаганига 4 йил тўлади. Исроил босқинчилари жафокаш Ливан диёрига мислсиз азоб-уқубатлар келтирди. Ана шу агрессия давомида фаластинликларнинг Сабра ва Шатила лагерларида босқинчилар қонли жиноятларни амалга оширдилар, дейилади Жаҳон Тинчлик Кенгашининг бу ерда эълон қилинган баёнотида.

Агрессия Тель-Авивнинг сионист раҳбарларини Ливан территориясини босиб олишга ва Фаластин озодлик ташкилотини тугатишга кўрсатма берган Қўшма Штатларнинг тўлиқ мададида амалга оширилди. Исроил ва унинг океан ортидаги хомийси шу тариқа Яқин Шарқнинг асосий муаммоси бўлган Фаластин масаласини «ҳал этишни» режалаштирди. Ливан халқи тўрт йилдан буён Исроил босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бормоқда ва у мана шу йиллар мобайнида бутун дунёдаги тараққийпарвар кучларнинг бирдамлиги ва мададини ҳис этиб турибди.

Исроил, дейилади баёнотда, бутун регион мамлакатлари халқларининг ҳуқуқларини назар-писанд қилмаётганлигини намойиш этди. Агрессия Яқин Шарқ танглигини бартараф этиш жараёнини орқага суриб юборди. Жаҳон тинчлик кенгаши Ливан демократик кучларининг Исроил босқинчилигига қарши, ягона, мустақил ва демократик Ливан учун олиб бораётган курашида улар билан тўла бирдамлик изҳор қилди. Ҳамда Исроил қўшинлари БМТ хавфсизлик кенгаши резолюциясида кўзда тутилганидек, Ливан территориясидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилади.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. БМТ қарорроҳида ривожланиш мақсадида фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи ҳукуматлараро комитетнинг сессияси очилди. Сессияда фан ва техника соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, кўпгина ривожланаётган давлатларнинг технологик қолоқлигини бартараф этиш учун қулай шарт-шароит яратиш масалалари диққат марказида турибди. Фан ва техника ривожланишнинг мислсиз шартидир ва халқаро ҳамжамият кўрсатиб ўтилган вазифалар ҳал этилишини таъминлаши зарур, деди комитет раиси қилиб сайланган Хосе Фернандес (Филиппин).

Бироқ, бундай мақсадларга эришиш йўлида ғарб давлатларининг шиддатли қаршилигига дуч келинмоқда. Улар ривожланаётган мамлакатларнинг илмий-техникавий қолоқлигини абадийлаштиришни, уларни хом ашё манбаи сифатида сақлаб қолишни истайдилар. БМТ секретариатининг комитет сессияси бошланиши олдидан эълон қилинган докладида уқтириб ўтилганидек, ривожланаётган дунёнинг бир қанча регионларида 15 йилдан буён иқтисодий танглик давом этмоқда. Ғарб давлатлари ривожланаётган мамлакатларни «техника революциясининг эътибордан четда қолган жиҳатлари» тўғрисидаги қоидасига бўйсинишга мажбур этиш, экономиканинг давлат секторини барбод қилиш учун уларга ошкора дўқ-пўписа қилмоқдалар. БМТ Бош ассамблеясининг Африкадаги оғир иқтисодий аҳволга бағишланган ва яқинда ўз ишини тамомлаган махсус сессияси бунинг навбатдаги яққол тасдиғи бўлди.

## MEXICO86

Мексикада ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида

КЕЧА

учта матч ўтказилди.

Толукада Парагвай ва Ироқ терма командалари учрашишди. Кескин кураш остида ўтган беллашувда парагвайликларнинг қўли баланд келди — 1:0.

Икки карра жаҳон чемпионлари — ГФР ва Уругвай терма командалари матчи жанговар кураш остида ўтди. Ҳозирги пайтда биринчилик учун асосий даъвогарлардан бири саналаётган уругвайликлар ўйиннинг биринчи ярмида ҳисобни очиш-

## Сўнгги соатда

ди. Фақат ўйиннинг тугашига тўрт минут қолгандагина ГФР футболчилари ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар.

Нецауайлькойотль шаҳрида бўлган Шотландия ва Дания терма командалари учрашуви тақдирини ягона тўп ҳал қилди. Бу тўпни данияликларнинг пешқадам ўйинчиси Элкьяер матчнинг иккинчи таймида киритди.

БУГУН

Мексика стадионларида иккинчи тур матчлари бўлади: Франция— СССР, Италия— Аргентина, Болгария— Жанубий Корея.

